1991 — 1998
7
МУСТАҚИЛЛИК

Демократик тараққиёт мезони

Энг катта миллий байрамимиз — Мустақиллик куни яқинлашган сари истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти, унинг тарихий аҳамияти тўғрисида ўйлаш, фикр юритиш табиий. Хусусан, яқин ўтмишни кўмсаб, турмуш қийинчиликларига ишора қилувчи айрим ношукр кимсаларга «Эй, оғайни кўзингизни очинг! Кечаги кунимиз билан бугунимизни холисаниллоҳ мушоҳада қилиб кўринг. Хорижий мамлакатларда бўлганингизда ўзбекман, деб айтсангиз, «а.., рашн?» деган гапларни эшитганингиз эсингиздами? Жаҳон фани ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур, Беҳзод каби юзлаб, минглаб фузалою шуароларни берган халқимизга шўролар замонасида тўла бесаводлик тамғаси босилганлиги хотирангиздан кўтарилдими? Буюк ота-боболаримиз, бой маънавий сарчашмаларимиз, қадимий маданият ва қадриятларимизни буткул йўқотган, уч минг йиллик тарихимиздан айрилган манқуртларга айланишимизга сал қолган эди-ку!», деб жавоб бергим келади.

Истеҳзо билан, «Мустақиллик бизга нима берди?» — дегувчиларга айтмоқчиманки, мустақиллик шарофати ила биз, авваламбор, ўзлигимизни таниган бўлсак, жаҳон аҳли ўзбекларни, ўзбек миллатини, Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимизни таниди, эътироф этди. Суверен Ўзбекистон Республикаси жаҳон сиёсати майдонига чиқди. Унинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида кўтарилди. Юртбошимизнинг овози энг нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан янграмоқда. Ҳукуматимизнинг тинчликсевар ташаббус ва таклифларига машриғу мағриб қулоқ тутмоқда.

Истиқлол туфайли халқимиз хўжа бўлди, ўз она-заминининг, унинг бағрида яшириниб ётган мўл-кўл маъданларнинг, бебаҳо ақл-заковати, қадоқ қўллари билан яратилган бойликларнинг эгасига айланди. Олтинимиз, газимиз, пахтамиз, бошқа ноёб бойликларимизнинг хўжайини Масков эди. Ҳаттоки, тарихий обидаларимизни томоша қилишга келувчи минг-минглаб чет эл сайёҳларидан тушган валютанинг урвоғи ҳам таъмирлаш ишларида фойдаланиш учун бизга қолдирилмас эди! Оллоҳга минг шукрлар бўлсинки, булар ортда қолиб кетди. Шундай экан:

Кўзларинг оч эй ватандош, келди истиқлол бугун,
Қўнди бошларга ҳумомиз, кулди чин иқбол бугун, — дейишга шоирнинг тўла ҳаққи бор.

Энг муҳими, биз ўз тақдиримизнинг хўжайини, тараққиёт йўлини мустақил танлаш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлдик. Мана қарийб етти йилдирки, ҳаётимизнинг барча жабҳалари — иқтисодиёт, сиёсий тизим, ижтимоий соҳа ва маънавият бозор муносабатлари ўзанларида, чуқур ва ҳар томонлама ислоҳ қилинмоқда. Кўз ўнгимизда истибдод тузумининг нураб қолган иншоотлари аста-секинлик билан бузиб ташланиб, унинг ўрнида адолатли, демократик жамият биноси қад кўтармоқда. Жаҳон андозаларига мос Конституция ва унда эълон қилинган инсон ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланишига оид қатор қонунларнинг қабул қилиниши билан унинг ҳуқуқий замини яратилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказининг ташкил этилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ноҳукумат ташкилотлари билан мамлакатимиз давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари ўртасида амалий алоқалар ўрнатилиши, Инсон манфаатлари йили, Оила йили каби кўплаб бошқа тадбирларнинг ўтказилиши эса республикамизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кафолатлаш мурватлари яратилаётганлигидан далолатдир.

Ана шундай конституциявий ҳуқуқлардан бири фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқидир. Бу — ўта муҳим аҳамиятга эга, зеро, демократик жамиятни сиёсий партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий партиялар орқалигина фуқаролар ўзларининг сиёсий қарашларини рўёбга чиқаришлари ва унинг воситасида ўз манфаатларини ифода этишлари мумкин. Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ҳақиқий демократик мазмун ва моҳиятга эга бўлиши учун унда биргина (кўп ҳолларда ҳукмрон) сиёсий партиянинг бўлиши кифоя этмайди. Чунки, ягона партия ўз сафларида ҳам ва умуман, жамиятда ҳам турлича, шу жумладан, қарама-қарши фикрлар бўлишига йўл қўймайди, расмий сиёсатга қўшилмайдиган кишиларни ёқтирмайди, таъқиб қилади. Биз буни яқин ўтмишимизидан биламиз.

Илғор мамлакатлар амалиёти демократик жамиятларда кўппартиялилик тизими шаклланиши муқаррарлигини тақозо этади. Бу ижтимоий-сиёсий ҳодиса замирида инсон озодлиги, ҳурфикрлилик, сиёсий фаолият шакл ва воситаларини танлаш эркинлиги ётади. Ғарбу Шарқнинг қатор давлатларида синовдан ўтган ушбу қоидаларни мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этиш истиқлол шарофати билангина мумкин бўлди. Шўро замонасида сиёсий фаол фуқаролар фақат компартияга киришга маҳкум этилган, чунки бошқа сиёсий партияларнинг фаолияти таъқиқланган бўлса, эндиликда юртимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Ватан тараққиёти партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси фаолият кўрсатмоқдалар. Улар Олий Мажлис ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик идораларидаги депутатлари, ижроия ҳокимияти ва бошқариш тузилмаларидаги масъул лавозимларда иш-

(Давоми 2-бетда)

Истиқлол мушоираси

ВАТАН

Қалбимда яшайди бир аъло Ватан,
Яъни, Ўзбекистон — муалло Ватан.

Айтсалар: «Икки йўл — «Ҳаёт ё мамот!»...
Сени деб жон бергум аввало, Ватан.

Ки, собиқ салтанат тарих саҳнида —
Худди чил-чил синган пиёла, Ватан.

Шукр, Мустақиллик — наволиғ айём —
Аллоҳга ҳар дилда тавалло, Ватан.

Заҳматдан умидвор чўнг деҳқон элинг —
Тошда ҳам ундиргай гул-лола, Ватан.

Ҳали насиб этса, Бахтнинг қошида —
Байроғинг ўнгайдир Абдулло, Ватан!!

Абдулла ТУРДИЕВ

Жаҳоннинг энг қашшоқ мамлакатлари

Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Молдавия ва Тожикистон «жаҳоннинг энг қашшоқ мамлакатлари» сирасига киради. Шу муносабат билан Буюк Британияда ушбу мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун хайрия тўпланмоқда. Буюк Британия Молия вазирлиги раҳбари Гордон Брауннинг ташаббуси билан йиғилаётган хайрия маблағларининг энг кам миқдори инглизлар учун юз фунт стерлинг қилиб белгиланди. Ушбу маблағлар Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкига ўтказилади. Ушбу ёрдам компанияси 2000 йилда якунланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, энг қашшоқ мамлакатлар рўйхатида Ангола, Эфиопия ва Эритрея ҳам бор. Альбания, Босния ва Герцоговина ҳамда Македония Европадаги қашшоқ давлатлар сирасига киради. Қолган қашшоқ давлатлар эса Африка, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган.

Бу дунёнинг ишлари

Хитойда зилзила юз берди

Хитойнинг Синьзянь вилоятида юз берган олти баллик зилзила натижасида ҳеч ким қурбон бўлгани йўқ, деб хабар беришди маҳаллий ҳокимият вакиллари. Ўтган сешанба куни маҳаллий сейсмик станция ушбу минтақада бир неча бор ер силкинганини қайд этди. Уларнинг энг юқориси Рихтер шкаласи бўйича беш балга етди. Дастлабки маълумотларга кўра, уч киши сал ярадор бўлган, 229 бош қўй нобуд бўлган, 360 лойдан ясалган уй ва 39 та кичик кўприк вайрон бўлган. Цзяши уезди кейинги икки йил ичида кучли зилзилалар гирдобида қолди. Ўтган йили эса етти марта олти балли ер қимирлаш содир бўлди. Ўшанда кўплаб одамлар қурбон бўлиб, қанча-қанча одамлар оғир жароҳат олишганди.

Ўсиш пасаймоқда

Қозоғистонда аҳолининг табиий ўсиши кескин пасайди. Айни пайтда Марказий Осиё республикалари ичида энг ноқулай демографик вазият яратилганлиги боис аҳолининг табиий ўсиши бу ерда бор-йўғи 5,3 фоизни ташкил этмоқда. Қозоғистонликларнинг ўртача умр кўриш даражаси 69,9 дан 64 ёшга тушиб қолди. Аёл врачлар миллий лигаси ижрочи директори, сил касалликлари илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Гулнора Ҳамдамованинг айтишича, яқин келажакда республикада аҳолининг табиий кўпайиши кутилмаяпти. Аёлларнинг 70 фоизи турли касалликларга дучор бўлгани боис, ҳар йили 50 мингдан зиёд касалманд чақалоқлар туғилмоқда. Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашаётир. Қозоғистон аҳолиси киши бошига ойига ўртача 2815 тенге ёки 36 АҚШ доллари миқдорида даромад олмоқда. Ойликнинг кўтарилиши яқин ўртада юз бермайдиганга ўхшайди. Қозоғистон маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш етти фоизга камайган. Импорт қилиш эса ўз навбатида 14 фоизга кўпайган.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 8 август, шанба • № 93 (22.330).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ёдингиздами болалигимизда бувимиз Ойга чиқиб кетган хурлиқо ҳақидаги эртакни айтиб берарди. Миллий либосдаги қорақалпоқ қизларнинг кўрганда ана шу афсона ёдга тушади. Сиз нафақат уларнинг табиий ҳуснига, балки нафис ва бежирим, ҳар чоки бу юртнинг манзараларини эслатадиган кийимларга ҳам маҳлиё бўласиз.

Нукусдаги «Ойзода» ҳусусий фирмаси чеварлари томонидан тикилаётган чопон, нимча, дўппи, кўйлак ва бошқа миллий кийимлар бутун Қорақалпоғистонда донги кетган.

Суратда: тикувчи Лиза Егемуратова.
Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас

Қўлимга қалам олдиму ўйлаб қолдим: «Тиши чиққан болага чайнаб берсанг ҳал бўлмас» деганлари шуми ёки халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида вилоятдаги иқтисодий аҳволнинг ночорлиги хусусида атрофлича айтилган гаплардан чиқарилган хулосами бу?..

«Қаршиқурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси қарамоғидаги бир қанча трестлар акционерлик жамиятларига айлантирилган эди. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ҳақида ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 113-моддасида: «Давлат акциядорларнинг ҳуқуқий ва қонуний қизиқишларини ҳимоялайди ва кафолатлайди. Акционерлик жамиятларининг хўжалик ва бошқа фаолиятларига давлат ва нодавлат органлар томонидан аралашишга йўл қўйилмайди» — дейилган. Шунга қарамай бирлашма «тўраларча» фаолиятини давом эттирганга ўхшайди. Йўқса, Нишон тумани Юлдуз қўрғонида жойлашган «Гидроқурилиш» трести очиқ ҳиссадорлик жамияти мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 4522-сонли давлат ордерига 1997 йил 30 июндан эга бўлсада (вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасининг 30 июнь 1997 йил 421-сонли буйруғига асосан берилган), унинг фаолиятини эски қолипга солиш, мулкига эгалик қилиш руҳидаги бир қадар буйруқлар расмий тарзда чиқарилганини қандай тушунса бўлади?

Баъзи чиқарилган буйруқлардан айнан кўчирмалар келтиришни лозим топдик: «Қаршиқурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси тизимини такомиллаштириш» ҳақидаги 06. 02. 1998 йил, 18-сонли буйруқдан: «Бирлашма тизимидаги моддий-техник таъминот хизматини такомиллаштириш ва марказлаштириш мақсадида буюраман:

«Гидрострой» трестига қарашли ОПТК, «Омад» ХБ корхонаси, Дренажстрой, Мелиострой, Промжилстрой, Целенстрой, УПТКлари тугатилиб, қабул қилувчиси трест ташкилотлари ҳисоблансин»... Бу буйруқни чиқаришга нима туртки бўлганлигига қизиқдик: «Асосий фондларни бериш» тўғрисида 14 февраль 1998 йил 22-сонли буйрукда айтилишича, 18-сонли буйрукда тугатилган ташкилотларнинг юк машиналари, бино ва иншоотлари, марказий ёпиқ омбор, идора жиҳозлари билан, енгил машина, вагон уй, пилорама ва телевизорлари «Бош таъминот бошқармаси»га балансдан балансга ўтказилиши кўрсатилган. Бирлашма раҳбарияти: «Иш билганга минг танга» мақолини ўз фойдасига тушунганга ўхшайди. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги нутқида Президентимиз «Энди бир замонлардаги компаниябозлик, ур-сурлар, йўқдан йўндириб маълумот беришлар, баландпарвоз ҳисоботлар даври ўтди» — дея таъкидлаб айтганди.

Сўқмоқдаги одамлар

Тўғри, юқоридаги буйруқлар кенгашдан бир неча ой олдин чиқарилган. Лекин, «Қаршиқурилиш» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси раиси М. Муродов «туплаган тупугини» қайтиб оладиганлардан эмас. Гарчи диктаторлик бўлса ҳам ётиб қолгунча отиб қоладиганлардан. Кейинги буйруқларга назар ташланса, бироз юмшатилганлиги кўзга ташланади. Айниқса, «Тадбиркорлик»нинг антиқа усулидан фойдаланганлиги сезилади. Яъни юқори ташкилотларнинг хайрихоҳлигига суяниб иш юритилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раиси ўринбосари А. Жўраев бирлашманинг 18-июнь 1998 йил 15-3-8 сонли хатига қуйидагича жавоб йўллайди: «Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ҳақида ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан «Қаршистрой» бирлашмаси таркибига юқорида қайд қилинган акциядорлик жамиятлари шўъба корхонаси сифатида киритилишини амалга оширилишига эътирозимиз йўқ». Бизни қизиқтиргани: қонунни қайси моддасига биноанлиги кўрсатилмайди, бильакс давлат томонидан кафолатли ҳимояланган акциядорларнинг қонуний ҳуқуқлари эътиборга олинмайди. Қонунда акциядорлик жамиятининг тугатилиши ёки мулкининг бошқа ташкилотга берилиши фақат акциядорлар йиғини ёки ваколатли орган томонидан ҳал этилади, дейилган.

«Гидроқурилиш» трести очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ушбу масала юзасидан вакиллар йиғилиши 1998 йил 10 июлда ўтказилган. Йиғилиш баённомасида кўрсатилишича, сўзга чиққанларнинг 99 фоизи «Қаршиқурилиш» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Ф. Асадовнинг: «Ўз ордерларини бекор қилиб, КШС ҳиссадорлик жамиятига қўшилишни таклиф қилгани»га рад жавобини беришган. Шу ўринда: бирлашманинг 1998 йил 1 июль 01-41/404 сонли хатида «... очиқ ҳиссадорлик жамиятларига алоҳида трест ва ташкилотлар жойларда олдин акциядорликка ўтиш йиғилиш баёни бекор қилиниб қайтадан йиғилиш ўтказиш талаб этилади...» дейилади. Кўриниб турибдики, буйруқлар билан амалга ошмаётган ишни, сал қонунийроқ йўл билан, аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек ҳукмнамо оҳангда амалга оширмоқчи бўладилар. Йиғилиш натижаси эса бирлашма кутганидек ҳал бўлмайди.

Бу машмашаларнинг замирида нима бор? Нега «Қаршиқурилиш» ҳиссадорлик жамиятларига осилиб олди? Йиғилиш баённомасини ўқиб шу нарсага амин бўлдим: Ҳамон трестлар ва ташкилотларнинг маблағларини, ишга яроқли, таъмирланган техникасини, мулкини марказлаштиришга уриниш мавжуд. «Гидроқурилиш» трести маблағи тортиб олингач, ишчи ва ходимлар кейинги 6 ой мобайнида бир сўм ҳам иш ҳақи ололмаган, 2,5 миллионга буюртма қилинган акциялар ишловчилар ҳисобидан, эндигина дивидент оламиз, деб оғзи қулоғида юрган меҳнаткаш эса яна лабини сўриб қолаяпти. «Тўрачилик» ҳам эви билан-да. Жамият девони мутахассиси О. Зариповнинг таъкидлашича: 44 миллион сўм БТБ ташкилотига олиб берилган, лекин 27 миллион сўмига ҳеч қандай маҳсулот берилмаган.

Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек, бирлашма «жонкуяр»лари қаловини тополмаётганга ўхшайди. Ахир, вилоятда трест ва ташкилотларга ўхшаш минглаб корхоналар ҳиссадорлик жамияти тизимига ўтишган, бирлашма ҳаракати эса аллақачон вилоятда овоза бўлган, жамиятлардаги эртанги кунга ишонч руҳини сақлаб қолиш, иш унумдорлигини ошириш, иқтисодий фаровонликка эришиш, аҳолини иш билан банд этишда юқоридаги машмашаларнинг таъсир кучини камайтиришга жиддий эътибор бериш лозим. Халқ депутатлари вилоят кенгашида Президентимиз: «Аҳолини талаб ва эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаётгани, баъзи раҳбарларнинг ношудлиги, айниқса, фуқароларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйиш ҳоллари республика ташкилотларига ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда», деган эди. Лекин таъкидлаб айтилишига қарамасдан бунинг чеки кўринмайдиганга ўхшайди. Ёки вилоятда раҳбар алмаштириш қонга синга бошладими?

Йўқса, бирлашма раиси М. Муродовнинг 1998 йил 25 февраль 01/78 сонли хатига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Қашқадарё ҳудудий бўлими бошлиғининг: «... «Қаршиқурилиш» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг 6 февраль 1998 йилдаги 18-сонли буйруғи қонун талабларига зид эканлигини таъкидлаб ўтиб, мазкур буйруқнинг акциядорлик жамиятларига тегишли қисмини бекор қилишингизни ва акциядор жамиятларнинг ички ишларига қонун талабларига зид равишда аралашишга йўл қўймаслигингизни сўрайди», каби жавоб хати етарли бўлмасмиди?!

Жўра ЮСУФИЙ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш тўғрисида

Бошоқли дон экинларининг ўзимизда етиштирилган уруғларининг мустаҳкам асосини яратиш, республика хўжаликларини бошоқли дон экинлари юқори ҳосилли навларининг сифатли уруғлиги билан кафолатли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қ а р о р қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

ходимларнинг умумий сони доирасида вазирлик ҳузурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этсин;

ўн кун муддатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармаси тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Андижон дон ва дуккакли дон экинлари илмий-тадқиқот институтининг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Қорақалпоғистон Республика ва вилоятлар филиалларини ҳамда давлат нав синаш участкаларини хўжаликлар негизида ташкил этсин.

Кўрсатиб ўтилган институтнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августдаги 413-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Қорақалпоғистон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм бўлимлари тугатилсин.

3. Андижон илмий-тадқиқот институтининг филиаллари томонидан давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган илмий-техника дастурларини маблағ билан таъминлаш «Фан» тармоғи бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари ва ўз хўжалик фаолияти ҳисобига амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб-чиқариш маркази билан биргаликда 1999 йилги илмий-тадқиқот ишлари прогнозида Андижон дон илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари томонидан тегишли давлат илмий-техника дастурлари бажарилишини назарда тутсин.

5. «Элита» Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонаси («Элита» ҚК, Самарқанд вилояти) томонидан 1998 йилда бошоқли дон экинларининг 18 минг тонна элита ва суперэлита уруғлари етиштирилганлиги, 1999 йилда уруғ етиштириш ҳажми 32 минг тоннага етказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

«Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси 1999 йил ҳосилидан бошлаб Андижон вилояти хўжаликларидан уруғ сотиб олиш ҳажмини тегишли равишда қисқартирган ҳолда кўрсатилган уруғ миқдорини «Элита» қўшма корхонасидан сотиб олсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 1999 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинлари уруғини Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган ҳажмни ҳисобга олган ҳолда тақсимласин.

6. Қўшма корхона қатнашчилари бўлган хўжаликларнинг илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида бошоқли дон экинлари экилган ерларига, ушбу ерлар ер солиғидан озод қилинган ҳолда, илмий муассасалар учун белгиланган солиқ солиш шартлари татбиқ этилсин.

7. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Пенсия жамғармаси ва Меҳнат вазирлиги билан биргаликда:

хўжаликларнинг бюджет, Пенсия жамғармаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси олдидаги қарзларини қайтаришни 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра пеня ҳисобламасдан 3 йилга кечиктирсинлар;

бюджетга муддатида тўланмаган тўловлар бўйича ҳисобланган пенялар 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарилсин;

Андижон дон илмий-тадқиқот институти филиалларига алмашлаб экиш ва қишлоқ хўжалиги экинлари навини алмаштиришнинг амалдаги схемалари доирасида хўжаликларнинг ҳар бир филиал учун 300 гектаргача ажратиладиган ерлари ер солиғи тўлашдан 1999 йил 1 январдан бошлаб 3 йилга озод этилсин.

8. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси Андижон илмий-тадқиқот институти филиаллари ва нав синаш участкалари ташкил этилган хўжаликларга ва синов ўтказиладиган бошқа хўжаликларга бошоқли дон экинларининг истиқболли ва юқори ҳосилли навлари уруғларини етказиб берсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бошоқли дон экинларининг кенг ишлаб чиқариш синови ўтказиладиган хўжаликларни аниқласинлар.

9. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бошоқли дон экинлари уруғларини қабул қиладиган, сақлайдиган ва сотадиган ихтисослаштирилган дон қабул қилиш корхоналари рўйхатини аниқласин, бошоқли дон экинлари уруғларини эса фақат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг хулосаси бўйича сотсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 август

Демократик тараққиёт мезони

(Давоми. Боши 1-бетда)

лаётган аъзолари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган сафдошлари-ю тарафдорлари, шунингдек, матбуот нашрлари орқали ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Баъзида ғанимларимиздан «Агар ушбу партияларнинг бири иккинчисидан фарқ қилса, нега улар бир-бири билан қурашмаяпти?» деган гиж-гижлатувчи саволларни эшитиш мумкин. Уларнинг мақсади жамиятимизда душманлик уруғларини сепиш, сиёсий барқарорликка раҳна солиш, фуқаролар ва уларнинг ташкилотлари диққатини ислоҳотлардан чалғитиш эканлигини мамлакатимиз сиёсий партиялари теран идрок этмоқдалар. Шу боис улар эҳтиросларга берилмай, шарқона возминлик ва мулоҳазали билан иш тутиб, ўзларининг куч ва ғайратларини миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти йўлидаги туб ўзгаришларни изчил амалга ошириш, Ўзбекистонни ҳар томонлама равнақ топтиришга, аҳоли барча табақаларининг ушбу буюк умуммиллий вазифани адо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришга қаратмоқдалар.

Мураккаб ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатда эндигина тетапоя бўлаётган сиёсий партиялар бир-бирига ётқараш қилиб, рақибларининг ёқасидан олишга ҳаракат қилса, юртимиздаги ҳозирги барқарорлик, тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, миллатлараро иноқликни сақлаб қолиш, туб ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш мумкин бўлармиди? Йўқ, албатта. Айрим кўшни давлатлардагидай жамият бузилар, мамлакат хароб бўлар, мустақилликни асраб қолишда жиддий қийинчиликларга дуч келар эди. Бахтимизга сиёсий партияларимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришдан иборат муштарак мақсадни тор партиявий манфаатларидан устун қўймоқдалар, унга эришиш учун муросаю-мадора йўлидан бормоқдалар.

Албатта, улар ўзларининг табиий салоҳиятларини тўла намойиш қиляптилар, деб бўлмайди. Бунга уларнинг айримларида сиёсий иш, парламентчилик тажрибаси камлиги билан бир қаторда, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги етмаётганлиги асосий сабаб бўлмоқда. Афсуски, собиқ иттифоқ даврида онгимизга сингиб кетган боқимандалик касали бу соҳада ҳам сезилиб турибди. Буни мен, биринчи навбатда, айрим ҳамюртларимизнинг сиёсий фаолиятдан четда туришга ҳаракат қилишларида, «Партиянг нима берди?» деб талаб қўйиб, ўзларининг кўл қовуштириб туришларида кўраман. Ваҳоланки, сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлиги, кўппартиялик тизимининг тўла шаклланиши, яъни демократиянинг барқ уриб ривожланиши ҳар бир фуқаронинг лоқайдлик, бефарқлик каби иллатлардан тамомила қутилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, қаердандир, кимлардандир мурувват кутмасдан, онгли ҳаракат қилиши билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов уқдирганидек, **«Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин».**

Ҳа, азиз ватандош, чинакам мустақиллигининг эндигина еттинчи поғонасига кўтарилаётган Ўзбекистон ўзининг узоқни кўрадиган ва тадбиркор йўлбошчиси раҳнамолигида адолатли жамият қуриш йўлида, фаровонлик, буюклик сари дадил қадам ташламоқда. Шундай тақдируломон ишга муносиб ҳисса қўшиш — менинг, сенинг, барчамизнинг Ватан олдидаги фарзандлик, фуқаролик бурчимиз!

Демократик тараққиётимиз талаби, саодатли истиқболимиз кафолати ҳам шу!

Собир ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи

Дастурхон тўкинлиги —

Саноқли кунлардан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллиги нишонланади. Шу кунларда ўтган даврга танқидий-таҳлилий назар ташлаш ва амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, келгуси иш режаларини белгилашнинг айни пайти.

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси аҳолининг қандолат маҳсулотлари, қадоқланган чой, пиво, яхна ичимликлар ва минерал сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Ушбу мақсадлар учун ҳозирги кунда уюшма тизимида 30 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 10 таси қўшма корхона, 18 таси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, қолганлари эса жамоа ва хусусий корхоналардир.

Уюшма раҳбарияти, мухандис-техник ходимлари бозор муносабатлари шароитларида ички ҳамда ташқи бозорни эгаллашнинг бирдан-бир йўли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш эканлигини, бунинг учун эса илғор хорижий техника ва технологиясини ўрнатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиб, таниқли фирмалар билан қўшма корхоналар тузиш зарурлигини жуда яхши биладилар ва бу борада ўтган даврда муайян тадбирларни амалга оширдилар. Бу йўналишда, айниқса яхна ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқариш тармоғида қилинган ишлар диққатга сазовордир. Уюшма бошқарувининг раиси Аброр ҚОСИМХЎЖАЕВ эришилган ютуқлар ва янги режалар ҳақида мухбиримизга гапириб берди.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 25 июнда бўлиб ўтган мажлисида собиқ «Озиқовқатсаноат» концернининг яхна ичимликлар ва минерал сув қуйиш бўйича фаолиятини юртбошимиз ўткир танқид остига олган эди.

Яхна ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқариш тармоғида кескин бурилишга олиб келган ушбу мажлисдан сўнг бу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилди. Яхна ичимликлар ва минерал сув ишлаб чиқаришда амалга оширилган жуда катта тадбирлар ичида ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳаммага маълум ва машҳур бўлган «Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД», «Самарқанд — Прага», «Наманганчекланганмасъулият», «Макс — Хуросон» каби қўшма корхоналарни алоҳида тилга олиш зарур. Ушбу корхоналар тузилгач, уюшманинг яхна ичимлик бўйича ишлаб чиқариш қуввати камида 30 миллион декалитрга, минерал сув қуйиш бўйича эса 150 миллион донага кўпайди. Агар 1994 йилда уюшма корхоналарида яхна ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича ўрнатилган қувватлар 20,9 миллион декалитрни, 1995-96 йилларда — 19,3 миллион декалитрни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 41,1 миллион декалитрга етди.

Минерал сув ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни ҳамда 1,5 литр сиғимли пластик идишларда ҳам яхна ичимлик, ҳам минерал сув қуйиш имконияти борлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунга келиб шуни эътироф этиш мумкинки, уюшма корхоналари аҳолининг яхна ичимликлар ва минерал сувга бўлган эҳтиёжини тўла

1

қондира олади.

Мазкур қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот рақобатбардош, экспортбоп ҳисобланиб, истеъмолчилар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Агар 1994 йилда қўшма корхоналар томонидан уюшма бўйича тайёрланган халқ истеъмол моллари умумий ҳажмининг 5,8 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 56,9 фоизни, 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигида 68,3 фоизни ташкил қилди. Булар рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлардир.

Республикада ягона Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасига Ҳиндистондан 26 та чой қадоқлаш автоматлари келтириб ўрнатилди, бу эса ушбу корхонада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Ҳозирги кунда улар ёрдамида замонавий қадоқланаётган чойга бўлган эҳтиёж ва талаб жуда каттадир. Ушбу корхона йилига 30,6 минг тонна чой қадоқлаш қувватига эга бўлиб, келгусида ушбу қувватларни яна кўпайтириш имконияти бор.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 93,4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил охиригача бу кўрсаткични 220 миллион АҚШ доллари даражасига етказиш мўлжалланган.

Бундан ташқари 1997-98 йиллар мобайнида Самарқанддаги хусусий «Нарзия» концерни асосида юқори сифатли музқаймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сингапур — Самарқанд» қўшма корхонаси ишга туширилди. Натижада йилига 1200 тонна миқдорида юқори сифатли, кичик ҳажмдаги (65 мл) 4 — 6 хил музқаймоқни халқимизга етказиб бериш имконияти юзага келди. «Сингапур — Самарқанд» қўшма корхонасида жорий йилда йирик (500-1000 мл) ҳажмларда музқаймоқ ишлаб чиқарадиган янги асбоблар ўрнатилди, бу эса мавжуд қувватларни камида 2 баравар оширишга имкон яратилди, демакдир.

Ҳозирги кунга келиб уюшма олдида турган асосий вазифа рақобатбардош қандолат маҳсулотлари ҳамда пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

2

Франциянинг «Кастель» фирмаси билан юқори сифатли пиво ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича тегишли музокаралар тугалланиш арафасида. Ушбу фирма республикада юқори сифатли пиво ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 80 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя бераяпти. Дастлабки келишувига кўра, республикамизда умумий қуввати 20 миллион декалитр бўлган 4 янги қўшма корхона қуриш мўлжалланяпти. Шу жумладан Тошкентда — 10 миллион декалитр, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида — 4 миллион декалитр, Нукус шаҳрида эса — 2 миллион декалитр. Ушбу замонавий қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган пивонинг 50 фоизи экспортга жўнатилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур фирма «Роҳат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти (Кибрай яхна ичимликлар комбинати)да ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва шу йўл билан мавжуд қувватларни яна 5 миллион декалитр ҳажмга ошириш режалаштирилган.

Натижада, уюшманинг пиво ишлаб чиқариш бўйича имконияти деярли 4 баравар ортади ва ҳозирги кундаги 6 миллион декалитрдан 26 миллион декалитргача кўтарилади. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла қоплайди.

Бундан ташқари, ушбу корхоналар қурилгач, қўшимча тарзда яна 1100 та ишчи ўрни яратилади.

Рақобатбардош қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича Италия, Германия каби давлатларнинг таниқли фирмаларидан жаҳон андозаларига мос келадиган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар тўпламини етказиб бериш бўйича муайян таклифлар бор. Бироқ, бизнинг мақсадимиз нафақат замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш, балки дунёнинг машҳур фирмалари билан юқори сифатли рақобатбардош қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мос келадиган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар тўпламини етказиб бериш бўйича муайян таклифлар бор. Бироқ, бизнинг мақсадимиз нафақат замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш, балки дунёнинг машҳур фирмалари билан юқори сифатли рақобатбардош қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича тузишдир, бу борада юртбошимизнинг бугунги куннинг эмас, балки эртанги кун технологиясини жалб қилиш зарурлиги ҳақидаги сўзлари дастуриламалдир.

Уюшма жамоасининг 1998-99 йилларидаги асосий вазифаси тизимда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кескин бурилиш ясаш, юқори

3

сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, халқимиз талабини тўла қондиришдир.

Маълумки, 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилинган. Бу борада уюшма бўйича муайян тадбирлар белгиланган бўлиб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шу жумладан ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақларини мунтазам равишда ошириб бориш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва нафақахўрларни иложи борича ижтимоий ҳимоялаш ва шу каби бошқа ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов 1996 йили кўкламида Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгаши сессиясида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида анча узилишлар борлигини кескин танқид қилиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб ўтган эдилар. Шу боис уюшма бўйича муҳим тадбирлар белгиланди. Чунончи қисқа муддатда Урганчда «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонасининг янги цехи қуриб битказилди.

Республика миқёсидаги Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилишига келсак, бу борада ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, Нукус шаҳрида соатига 4000 дона 1,5 литр сиғимли пластик идишларга ичимлик суви қуядиган асбоблар тўплами ўрнатилган янги корхона ишга тушиш арафаси-

Зомин ғалласи тарози босди

Жорий йил зоминлик ғаллакорлар учун омадли бўлди. Туман ғаллакорлари бир неча йилдан бери давом этиб келаётган қолоқликка барҳам бердилар: улар 28800 тонна ўрнига, 29700 тоннадан ошиқ ғалла топшириб, давлат буюртмасини ошириб бажардилар.

Туман ғаллакорлари эришган зафарга «Молгузар», «Зомин», «Ғолиб», Э. Холматов номли, «Бешкуби», «Чорвадор», 20-ХРУ, «Чилонзор» хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар. Мазкур хўжаликларда ҳар гектар майдондан олинган ҳосилдорлик мўлжалдагидан юқори бўлди. Режани бажариш нафақат хўжалик учун, балки шу ерда меҳнат қиладиган ишчи-хизматчилар, деҳқонлар учун ҳам катта фойда келтирди. Режани бажарган барча хўжаликларда деҳқонларга иш ҳақи сифатида дон тарқатилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Хатлар, хатлар

Оқсоқолларда фикр кўп...

...Охунбобо қабристонида мармардан қабр тиклаш русмга кирган. Айрим қабрларни кўриб, «музей»га кириб қолдимми дейсиз...

...Қабристонда силикат гиштдан тикланган қабр 14 минг сўм туради. Буни «харид қилиш»га...

...Маъракаларда халфа аёллар эски китобларни ўқишни пул топиш санъатига айлантиришган..

...Муллалар оят ўқишда пулга қарашади. Йирикроқ бўлса, узундан-узун оят, майда пулга эса икки оғиз тилак...

...Маъракаларда исрофгарчиликларни камайтириш ҳақида жиддийроқ ўйлаш керак. Айни пайтда мусибат тушган хонадон эгасига қўй-қўчқор сўйма деб айта олмайсан...

Бу гаплар Урганч шаҳар ҳокимлиги, вилоят «Маънавият ва маърифат»маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва шаҳар ХДП кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган семинар кенгашда айтилди. Йиғилишда шаҳардаги 32 та маҳалланинг оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаоллар қатнашдилар ва йиғилиб қолган муаммоларни ечиш борасида фикр алмашдилар. Бу борада юртимизда олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини айтиб, виждон эркинлигини айрим кимсалар ўз ғаразли мақсадларига йўналтиришдек салбий ҳолатларни қоралядилар.

Оқсоқоллар, фаолларнинг қуйиниб айтган фикр-истакларидан англаш мумкинки, маҳаллаларда қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Бунда ҳокимлик ва бошқа жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик зарур. 27-маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси айтган сўзлар буни кўрсатади: «Сўнгги етти йилда маҳалламизга ҳокимликдан ёки бошқа жамоат ташкилотларидан бирорта вакил қадам босмади...»

Рўзимбой ҲАСАН

Қотил битта, жабрдийдалар эса...

Ўтган йилнинг куз ойлари эди. Одамлар айни йиғим-терим ишлари билан банд. Катта-ю кичикнинг ҳаракатида қишга тайёргарлик. Аёзли кунларни қийинчиликсиз ўтказиш фикри.

Ана шу кунларнинг бирида Тошбулоқ маҳалласида машъум хабар тарқалди. Меҳнаткаш, оқил йигит Анваржоннинг ваҳшийларча ўлдирилганлигини эшитганларнинг ақли шошди, ғазаби қайнади. Тўйми, бошқа маросимми, ўзини четга олмай, қўл қовуштириб ўтирмай унинг хизматда бўлишига ҳамма ҳавас қиларди. Аммо бу қотиллик...

Мирсаид... урганчлик бу йигитнинг номини эшитганларнинг асаби таранглашадиган бўлиб қолгани бежиз эмасди. Эндигина 35 ёшни қоралаган нобакор Наманган ва Мингбулоқ туманлари ҳамда Наманган шаҳар судлари томонидан турли йилларда узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Унинг учун юрт, она-Ватан, фарзандлик деган сўзлар бир пулга қиммат. Йўқса, ота-оналари, қариндош-уруғлари юзини ерга қаратиб, тўртинчи марта ҳам жиноятга қўл урармиди?

Ўша куни қисматидан бехабар Анваржон ўғиллари Исломжон ва Ҳамидулларни хотиржамгина боғчага элтганди. Аёли Азиза ҳам қизчаси Асилани олиб касалхонага жўнади. Соат 11 ларда паспорти эсига тушиб уйига қайтса, дарвозаси ланг очиқ, қулф ерда ётарди. Қулфлаб кетганлигини эслаб ҳайрон бўлди. Даҳлизли уйга айвондан кирадиган йўлакда турган йўғонгина таёқ синганини кўрганидан кейин эса юраги ҳапқириб, даҳлизга мўралади. Даҳшат! Палос устида қонга беланган Анваржон ётарди. Додвой билан қўшниларини чақирди. Милицияга хабар берилди.

Қотил бир мунча мураккабликлар билан бўлса ҳам қисқа муддатда топилди. Мирсаид ашёвий далиллар — кийимларини хотини ва синглисига ювгани берган, ўғирланган нарсаларнинг

Қисмат

бир қисмини эса сотишга улгурган экан. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлимининг ҳамкорликда олиб борган қидирув ишлари натижасида инсон қиёфасидаги махлуқ ўз уйидан тутиб келтирилди. Мирсаид қасддан одам ўлдирганлиги учун энг олий — ўлим жазосига ҳукм этилди.

Нафс балосига берилган қотил уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, яхши кунларга атаб олиб қўйишган гулли ва гулсиз бахмал, хонатлас ва чойшаб кабиларни ўғирлаётган эди. Эндигина чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида Анваржон келиб қолади-ю, ўз изини яшириш мақсадида аввал таёқ билан унинг бошига уриб, оғир шикастлайди, сўнгра олишув пайтида синган эшик тепасидаги ойна бўлагини олиб, Анваржоннинг бўйнига уради. Жабрланувчининг ўлганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина ўғирланган буюмларни олиб воқеа жойидан ғойиб бўлади.

Оллоҳ ўз неъматларининг энг сараларини инсон зотига бериб қўйган. Қўл-оёқ, қош-кўз, ақл-идрок... Аммо баъзи осий бандалар, гувоҳ бўлганингиздек, қўлни қабиҳликка, оёқни ифлосликка, қош-кўзни ғаразликка, ақл-идрокни тубанликка хизмат қилдириш пайида бўлади. Ҳаёт деб аталмиш муқаддас остонани топташдан андиша қилмайди. Шундайлар-ку у дунё-ю бу дунё жазосини тортар, аммо унинг ўзи қолиб етти пуштигача таъсир ўтказадиган нобакорлиги жабрини қайси малҳам билан даволаб бўларкин? Турмушга чиққанига эндигина тўққиз йил бўлган, унинг ярмидан кўпини эса изтиробда, икки норасидасига отасининг қамоқдалигини билинтирмай, аламини ичига ютиб ўтказган Маҳбубанинг гуноҳи нима? Етим қолган болаларнинг-чи?

Р. ҚОРАБОЕВ,
Наманган тумани прокуратурасининг терговчиси,

М. ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сарҳадларга сочилган Ватан

Мустақилликнинг 7 йиллигига

Буюк мунаққиш ажиб нури-ла сайқаллаган — юракдек жўшқин ва забардаст, қалбдек ҳиссиётли ва поёнсиз, кўнгилдек беғубор ва сокин бир тонг оқарди, гўё осмондек юксалган оқ қуш момиқгина тўшини авайлаб заминга қўйгандек — мунаввар тонг табаррук диёрга сепин ёйди.

Тўққиз қават уйнинг биринчи қаватида яшайман, кафтдеккина томорқа чеккасига экилган ўн тўрт туп мирзатерак, жажжи бошларини қанотлари орасига олган, деярли хонакилашиб қолган чумчуқлару мусичалар терак баргларининг «қарсаклари»дан тинчсизланиб қарши олишади бу тонгни.

Мен поёнсиз борлиқда заррадек эсамда, унинг заралари қаршисида улкан сезаман ўзимни шу пайт. Ватан сарҳадлари кўз ўнгимда тизила бошлайди: «Заррадан коинот қадар...» юксалишда бўй-бастим кўринади, сарҳуш энтикиш. «Юлдузлар тоқига...» қўйилган нарвонда юргандек бўламан. «Ўзингга раво кўрганни бошқага раво кўрмасдан мусулмон бўлмайсан» — дегувчи кексаларнинг гапидан қўксим Хисор тоғларидек кўтарилаверади. Не ажаб юрт бу — тупроғининг ҳар заррасида эзгуликни мужассам кўраман. Беихтиёр: «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», дея хайқиргим келади.

Бир куни кўчадан югуриб келган қизим: «Дада, сиз Ислом Каримовни танийсизми?» — деб қолди. Ҳа, дейишим билан ўртоқлари олдига югуриб кетди, мен унинг кўзларида жажжи ва содда кўнглининг юксалганини кўрдим. Бу юксалиш Маркс, Лениндан эмас, Она заминдан бошланганидан, тўғриси, ғурурланиб қўйдим. Дилга ҳузур бағишловчи муборак тонгнинг салқин эпкини тафаккур ниҳолини силайверади. Шохларининг нари-берисида пиндик ёраётган куртаклар сайқалланишга эҳтиёж сезади. Кўнгил йўқотган нарсасини шу тонгдан топгандек энтикаверади. Бағримга маҳкам босгим келаверади озодлик тонгтини. Озодлик — нашъали сўз!

Оқ қушнинг вужуди заминни чўлғайди. Чумчуқ, мусичаларнинг чуғур-чуғурлари муборакбахш насимни қутлаётгандек ёқимли жаранглайди. Кўнгил намхушликдан илий бошлаган сабо салқинини тўйиб-тўйиб симиради. Танга инган ҳузурдан роҳат олади кўнгил. Турк оламини шарафга буркаб бир зот қалқиб чиқади тарих саҳнига: туғида ватан сарҳадлари, шуурида ватан озодлиги, юрагида азият туғёни. Шиддати сиёҳидан сачраган сўзлар: «Биз ким, мулки Турон, амири Туркистонмиз! Биз ким, миллатларнинг энг улуғи...» Эрк боболарнинг қонидаги гап. Озодлик — нашъали сўз!

Кўнгил тонг ҳавосини ичди. Унинг борлиғига сингиди бу тонг. Ўз-ўзига беклигини, тенглар ичида тенглигини англаб мағрурланди кўнгил. Бу тонг орзу-ҳавас билан қаршиланмади, билъакс боболар жасорати, оталар заҳмати билан эришилди. Мушфиқ оналарнинг сиймосидан нур олган тонг — муборакдир. Хизрсифат оталарнинг нуроний юзларидан ранг олган тонг — муқаддасдир!

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент фавворалари



Дилшод ЮСУПОВ ва Темур ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар

юрт фаровонлиги

да. Ҳозирги кунда ушбу корхонада чет эл мутахассислари асбобларни август ойида тўла ишлашини таъминлаш мақсадида созлаш ишларини бажармоқдалар.

Хоразм вилоятида Ўрта Осиёда ягона янги шакар заводининг қурилиши тугалланмоқда. Замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ушбу корхона бир кунда 3000 тонна қанд лавлагини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, йилига 45 минг тонна тайёр шакар етказиб беради. Мазкур корхона тўлиқ ишга тушгач, қўшимча 1000 та ишчи ўрни ташкил қилинади.

Хоразм шакар заводи жорий йилнинг сентябрь ойида, яъни республика хўжаликларида экилган қанд лавлагининг пишиб етилиши даврида фойдаланишга топширилади.

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, республика ҳукуматининг ўз вақтида кўрсатган ёрдам-кредити Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг қанд лавлаги етиштирувчи хўжаликларига олинадиган ҳосил қийматининг 40 фоизи миқдоридаги пул маблағларини аванс тариқасида ўтказишга имкон берди. Бу эса ушбу хўжаликларнинг Молдова Республикасидан қанд лавлаги уруғини, керакли техника ва бошқа материалларни сотиб олишларида қўл келади.

Шакар заводини ишга тушириш нафақат қандолат маҳсулотлари ва яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий хомашёга бўлган талабларини қондиришга имкон яратади, балки ушбу ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган қўшимча маҳсулот — патока-меласса уюшманинг Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида хамиртуруш тайёрлаш жараёнида асосий хомашё бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, 45 минг тонна шакар ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган 16 минг тонна патока-мелассани сотиб олиш учун сарфланадиган 3,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги республика валюта маблағи тежалади.

Яна бир корхона — бу Тошкентнинг Бектемир туманидаги «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси томонидан қурилган ва йиллик қуввати 6 миллион декалитр яхна ичимлик бўлган корхона бўлиб, унда соатига 48 минг дона 0,25 литр сиғимдаги шиша идишларга юқори сифатли яхна ичимлик қуядиган асбоблар тўплами ўрнатилган.

Корхона яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Ушбу уч корхонанинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш уюшма жамоасининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 июль куни бўлиб ўтган мажлиси қарорлари ва айниқса унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг нутқида республика халқ хўжалиги турли жабҳаларининг 1998 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари тўғрисида билдирилган таҳлилий-танқидий фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда уюшма бўйича жорий йилнинг ўтган даври якунлари қайта таҳлил қилинди ҳамда 1998 йилнинг иккинчи ярим йиллигини муваффақиятли якунлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Белгиланган тадбирларга кўра, бундан кейин ҳам асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқаришни илғор техника ва технологияни ўрнатиш, хорижий сармояларни кенг кўламда жалб қилиш, жаҳоннинг машҳур фирмалари билан қўшма корхоналар тузиш ёрдамида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширишга қаратилади. Айни пайтда уюшма бўйича ишлаб чиқилган инвестиция дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилади.

Агар 1996 йилда тизимга жалб қилинган хорижий инвестициялар 39,4 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлса, бу кўрсаткич 1997 йилда 61,86 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 33,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир пайтда ўтган даврда 151 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Ҳозирги кунда уюшманинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаяпти.

Корхоналарда тўлов интизомини кучайтириш бўйича ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилади ва бунда, айниқса дебитор, кредитор қарзларини кескин камайтиришга, бюджетга тўловларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашга катта эътибор берилади.

1998 йилда уюшма бўйича 31156 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, қандолат маҳсулотлари, минерал сув, яхна ичимлик, пиво, қадоқланган чой, музқаймоқ, шакар ишлаб чиқарилади ва бунда маҳсулотнинг ҳар бир турини ишлаб чиқариш бўйича муайян ўсиш суръатларига эришиш таъминланади. Ушбу марраларни эгаллашда, албатта ёш, ғайратли, ҳозирги кун талабларини чуқур ҳис этадиган, ишбилармон раҳбарлар алоҳида ўрин тутадилар.

Меҳнат юқори даражада ташкил қилинган «Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси, Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Тошкентдаги «Лаззат» яхна ичимликлар ишлаб чиқариш жамияти, «Фарғонапиво» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоалари ибратли ишларни амалга оширишяпти..

Кенг тармоқли «Озиқовқатсаноат» уюшмаси корхона ва ташкилотлари бундан кейин ҳам халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида, керакли миқдорда қондириш каби шарафли ишларини давом эттирадилар ва бунда ўз кучлари ҳамда салоҳиятларини аямайдилар. Зеро, халқимизнинг тўкин дастурхонини юқори сифатли қандолат маҳсулотлари, турли-туман яхна ичимликлар билан янада байрамона безатиш уюшма жамоасининг муқаддас бурчидир.

Суҳбатни
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ
ёзиб олди

4
5

Йўқолган обсерватория топилди

24 июнь куни йўқолиб қолган АҚШнинг "Сохо" номли қуёшни ўрганувчи фазовий обсерваторияси ниҳоят топилди. НАСА мутахассислари у билан бир неча бор алоқа ўрнатишга уринганига қарамай, обсерваториядан жавоб ололмаган эди. Айримлар эса энди уни топишнинг иложи йўқ, деган фикрларни ҳам билдирганди. Лекин америкаликлар Австралиядаги кучли алоқа станциялари ёрдамида бир неча бор унга хабар юборганларидан сўнг, обсерватория ниҳоят алоқага чиқди.

Ушбу йўлдош космик орбитага чиқарилганидан сўнг бир неча муҳим кашфиётлар қилинди.

Қароргоҳдан чиқмаслиги даркор

Мьянма ҳукумати мухолифатдаги "Демократия учун миллий лига" йўлбошчиси Су Чжини ўз қароргоҳидан ташқарига чиқмаслиги мақсадга мувофиқлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Мамлакатнинг чекка вилоятларида миллатнинг ва Су Чжи сингари йирик давлат арбобларининг хавфсизлигига таҳдид соладиган кучлар мавжуд. Шунинг учун у бирор ёққа сафар қилишдан аввал расмий ҳукуматдан рухсат сўраши керак, деди Мьянма маъмурияти вакили.

Қасамёд қабул қилишади

Тожикистондаги миллий тотувлик комиссияси раиси, бирлашган тожик мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий ва Тожикистон Бош вазирининг ўринбосари Абдураҳмон Азимов Тоғли Бадахшон вилоятига жўнаб кетди. Бу ерда улар мухолифатга қарашли қуролли гуруҳларнинг ҳукумат ва ватанга садоқат ҳақида қасамёд қилиш тантаналарида иштирок этади.

Шу кунгача Тожикистонда рўйхатдан ўтказилган беш минг нафар жангчидан икки мингдан кўпроғи қасамёд қабул қилди.



Фарзанд гулга қиёс — *Темур ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат*

Сайловда иштирок этишга чақирди

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев муҳолифатдаги партияларни 11 октябрда бўлиб ўтадиган президент сайловида иштирок этишга чақирди. У Озарбойжон халқ фронти раиси Абулфайз Элчибей, "Мусавот" партияси раҳбари Исо Қамбар ва Либерал партия етакчиси Лаўлишавкат Ҳожиевага мурожаат этиб, ҳукуматнинг сайлов жараёнларида фаол қатнашиш ва номзодлар кўрсатишни сўраб қилган таклифига рад жавоби берилганига таассуф билдирди.

Маълумки, мухолифат Марказий сайлов комиссиясидаги 24 ўриннинг 12 тасини ўз вакилларига бериш ва қатор бошқа талабларни ўртага қўймоқда.

Ҳ. Алиев мухолифатнинг кўпгина талаблари бажарилганини айтиб, сайловда барча сиёсий партиялар ва фуқароларнинг фаол иштироки жуда муҳимлигини таъкидлади.

Спиртли ичимликлар тақиқланди

Қозоғистон ҳукумати қарорига биноан, 18 августдан бошлаб кўчалар ва тижорат дўкончаларида қуввати 12 фоиздан ошадиган алкоголли ичимликларни сотиш тақиқланади. Мазкур қарор спиртли маҳсулотларнинг солиқларни ўз вақтида тўлаб турган дўконларда сотилиши орқали давлат ғазнасига тушумларни кўпайтириш ниятида қабул қилинган. Айни вақтда бу йўл билан ноқонуний равишда алкогол маҳсулотлари тайёрлаш ва тарқатишни ҳам назорат қилиш мумкин бўлади.

Номзодини қўйиши мумкин

Қирғизистон конституциявий суди мамлакат Президенти А. Акаев 2000 йилда бўладиган президент сайловида ҳам ўз номзодини қўйиши мумкин, деб қарор чиқарганидан сўнг республика матбуотида ушбу масалага бағишланган мақолалар тез-тез кўзга ташланмоқда, деб хабар беради "Кабар" ахборот агентлиги.

Мақолаларни таҳлил қилган агентлик мухбирлари мамлакат аҳолисининг аксарияти А.Акаевни яна президентлик курсисида кўришни истайди, деган хулосага келди. Қирғизистонликлар республикада эришилган муваффақиятларни, хорижий кредитлар ва турли грантлар шаклида келаётган чет эл ёрдамларини фақат президент номи билан боғлаётир. Муҳолифат эса президентнинг яна бир бор сайловда иштирок этиши қонунга хилоф, дейишдан нарига ўтмаяпти.

Миллионерлар кўпайди

Ўтган йили Эстонияда миллионерлар сони уч баравар кўпайди. Эстония мустақиллиги эълон қилингандан буён 13 киши ўзининг йиллик даромади 3 миллион крондан (яъни 200 минг доллар) ошганлигини биринчи бор маълум қилди. Эстониядаги 162 расмий миллионернинг даромадидан олинган солиқлар ҳокимият вакилларининг айтишича кўра, хазинага тушган барча маблағнинг бир фоизини ташкил этди.

Эстониядан яна бир хабар. Бу ерда 92, 93 ва 95-йилларда зарб этилган бир кроналик 16 миллион танга муомаладан олиб ташланди. Бунинг сабаби шуки, ушбу кроналар оғирлиги, ўлчамига кўра Германияда чиқадиган металл маркаларга ўхшар экан. Эстонялик саёҳатчилар автоматлардан сигарет ва йўл патталари сотиб олиш учун Германия кроналаридан узоқ муддат фойдаланиб келишган.

Музокаралар барбод бўлди

БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси раҳбари Ричард Батлернинг Ирокдаги расмий кишилар билан олиб бораётган музокаралари барбод бўлди. Бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз билан музокаралар ҳам боши берк кўчага кирди. Ричард Батлер ўзининг Бағдодга қилган ташрифини тўхтатиб, Нью-Йоркка қайтишга мажбур бўлди. Бу ҳақда БМТнинг Нью-Йоркдаги штабхонасида хавфсизлик кенгашининг раиси, Словения элчиси Данило Турк хабар берди. Батлернинг айтишига кўра, Ироқ ўз объектларини текширишга йўл қўймаслигини билдирган.

Харбий судхўр

Нижний Новгороддаги ҳарбий билим юртининг таъминот бўлими бошлиғи кўпинча бечораҳол ҳарбийларнинг жонига ора кириб юрарди. Оладиган ойлик маошини бўйига тортса энига, энига тортса бўйига етмайдиган ҳарбий билим юртидагилар қийин аҳволга тушишди. Устига устак ярим йиллаб маош олишолмасди. Бундан фойдаланган бошлиқ қийналганларга судхўрлик қилиб, ҳожатини чиқарарди. Хизматига яраша «пул ҳақи», оларди. Ҳамкасблари шунисигаям шукр қилишди. Лекин судхўрнинг чуви чиқди. Уйини тинтув қилинганда ғалати «кўргазма» — турли хилдаги қурол-яроқлар, олтин тақинчоқлар, чинни идишлар чиқди. Маълум бўлишича, ҳарбий бошлиқ судхўрликнинг пулига бу бойликларни тўплаган экан. Ҳарбий прокуратура жиноий ишни кўриб чиқяпти. Лекин судхўр полковник ўзига қўйилган айбларни рад этмоқда.

Гулфия ЖУМАБОЕВА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 10

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Соҳибқирон юрти».
9.40 Болалар учун. «Умид учқунлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35—14.00 Х. Расулов. «Муҳаббат султони». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тақа». Мультфильм.
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақил-лигининг 7 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол ғунчалари».
18.30 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Олам ва одам».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Хайронаман». Ўзбекистонда хизмат курсатган артист С. Удаева.
22.05 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм. 33-кўй.
22.45 «Мустақиллик одимлари».
22.50 «Кининг минг бир олами». Кинокурсатув.
23.15 «Ахборот».
23.40 — 23.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Таггер». Телесериал.
22.00 «Бурч ва масъулият».
22.15 «Даракчи»(рус тилида).
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Йиртқичлар».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.35
*
20.35 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Шарқ киноси. «Оқ велосипед». Бадиий фильм (Туркия).
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Таъзим».
19.25 Телефакт.
19.35 Мусиқий танаффус.
19.50, 21.15 — Эълонлар.
19.55 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «ТВ-4»да немис тўлқини.
21.20 «Жаҳон киноси».
23.00 Хит-коллекция.
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббат мадҳи». Концерт.
8.50 Ўзбекистон Рес-публикаси мустақил-лигининг 7 йиллигига. «Юртим жамоли».
9.10 «Гаройиб саёҳат». Мультфильм.
9.20 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм. 34-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён».
10.25 «Алифбо сабоқлари».
10.55 Болалар учун. «Ёзимиз — соз ўтмоқда».
11.15 «Акс-садо».
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 22-серия.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 Кундузги сеанс. «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
13.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10—15.00 «Пахтакор-79». Футбол. Хотира турнирининг финал учрашуви.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Мулк ва муносабат».
18.50 «Дунё адабиёти».
19.05 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбллари нинг телевизион фестивали.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.45 «Сиёсат оламида».
22.05 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
22.45 «Ёшлар» телеканали: «Қизлар давраси»ни эслаб...». «Қизлар давраси».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ҳудуд».
21.30 «Таггер». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ.
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 «Пойгачилар». Бадиий фильм.
23.10—23.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим». «Улуғлар улуғлайди аёлларини».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Қуйла, ёшлигим». «Шоҳзод» гуруҳи — меҳмонимиз.
21.40 «Дурдаршан».
22.15 Олтин хазина. Саид Аҳмад. «Келинлар кўзголони». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Еш ижрочилар концерти.
9.00 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.15 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
9.55 Мустақиллик одимлари.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бокира тўйғулар».
10.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Чамандаги гуллармиз».
11.00 «Созга солдим Алпомишни».
11.20 «Ташриф қоғози».
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 23-серия.
12.05 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
12.25 — 14.00 Кундузги сеанс. «Улан». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёзув столидан репортаж».
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Истиқлолим сени қўйлайман». Мусиқий дастур.
21.50 «Ватанни севмоқ иймондандир». Публицистик кўрсатув.
22.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Вилоят телевидениелари намойиш этади: «Ўзлигинг намоён қил».
23.20 «Назм ва наво». Увайсий лирикаси.
23.50 «Ахборот».
00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош»(рус тилида).
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Қатта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида» (рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.20 «Мутойиба».
21.40 «Оилавий экран». «19-комитет». 1-серия.
23.00 «Даракчи»(рус тилида).
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 «Оилавий экран». «19-комитет». 2-серия.
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Вақт хазинасидан».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Изабель Юппер «Сув остида» фильмида.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «02» тўлқинида.
19.40 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.00 — Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Иқтидор-98».
21.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 Мусиқий Олимп.
22.25 Киносалон.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 14

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шарқ тароналари». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
9.05 «Мозийдан бир муъжиза».
9.20 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ҳаёт чашмалари».
10.30 Мустақиллик одимлари.
10.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 24-серия.
12.05 «Таянч нуқтаси».
12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Прерия». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ҳикматнома».
18.25 «Ранглар жилоси».
18.40 «Фермер». Телетанлов.
19.00 «Мустақиллик одимлари».
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Юртим муъжизалари».
21.20 «Ахли ёр ўлсайди». О. Отахонов.
21.45 «Оила — маънавият бешиги».
22.10 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-қисм.
22.55 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Истиқлол фидойилари».
23.45 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 2 серия (Туркия).
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон, ўйна».
18.30 «Бор эканда, йўқ экан».
18.50 Экранда — Дэвид Копперфилд.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Яхши дам олинг».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ. «Узоқ қариндошлар».
00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00.
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Таваллуднома».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Оскар совриндорлари: «Касабланка». (1943). Бадиий фильм.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Маънавият ва ислом».
19.25 «Бу бўстон аро...» Мусаввир ижодида диёр жилоси.
19.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Саломат бўлинг».
20.10, 22.05 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Бегойим».
21.25 «Дурдаршан».
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Шукрона».
22.10 Кинематограф. «Мевлюднинг боши учун 5 минг сўм».
23.30 Араб эстрадаси.
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 15

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Шух, шух ўйнар эдим». Мусиқий дастур.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
9.55 «Шохрух клуби».
10.15 Мустақиллик одимлари.
10.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 25-серия.
«Ёшлар» телеканали:
10.35 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Очиқ дарс».
«Пулат тулпорлар».
«Эстрада ва ёшлар».
12.05 «Жаҳон театри».
12.25 «Ҳазрати инсон». Публицистик кўрсатув.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Санъат олами».
13.20 «Телевидение ва томошабин».
13.45 Кундузги сеанс. «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
15.05—15.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар чойхонаси».
21.50 Мустақиллик одимлари.
22.00 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-қисм.
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
23.10 «Қўй ва тасвир».
23.30 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида: «Ганди». Бадиий фильм. 1-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Яхши дам олинг».
8.30 «Санта Барбара». Телесериал.
9.15 «Мафтункор чеҳралар».
9.35 «Лавжой». Телесериал.
10.20 А. Олимбоев. «Оғзаки ҳикоялар». 3-қисм.
10.45 Болалар экрани.
12.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ҳудуд».
12.45 «Жозиба».
13.05—13.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?»
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 Телефильм.
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55— Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Сўз ва соз оҳанглари».
22.15 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.45 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. «Шубҳага ўрин йўқ».
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.50—23.05
*
23.05 Эълонлар.
23.10—23.30 «Нилуфар гуллаганда». Телефильм.

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Рақслар қанотида».
11.40 «Туманларсиз Британия».
11.55—12.25 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.30— Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «5 дақиқа ўзим учун».
20.50 «Бу ажиб дунё».
21.10 «Хит коллекция».
21.35 Киносалон.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
«ЁШЛАР» телеканали:
9.10 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Талабалик йилларим».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Куйла, ёшлигим».
* * *
11.20 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
12.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Ёзувчи ва замон».
13.10 Кундузги сеанс. «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
14.20 «Сурат ва сийрат».
14.40 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
15.20—16.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Металлург» — «Трактор».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ёмад юлдузи». Телеўйин.
18.35 «Рақслар гулдастаси».
18.55 «Мустақиллик одимлари».
19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.40 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.25 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-қисм.
23.15 «Футбол майдонларида».
«Аср муъжизаси» кинодастури
23.30 «Кино янгиликлари».
23.45 «Нақадар т

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 8 avgust, shanba № 93 (22.330).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

«Қўнғироғи жарангдор карвон энди бизники»

Истиқлол чечаклари

Куй. Кўнгилни мавжли тўлқинлар каби қалқитувчи, инжу табиатдек яшнатгувчи, борлиқ каби фикрлар туғёнига отгувчи — куй.

Торнинг ўйноқи оҳангида дарднинг гуногун ранглари мужассам. Ноласи юракни сел қилгувчи қўшиқ, адир сўқмоқларидек — ўркач-ўркач таралади: «Девона қилди ишқ мани...» Ишқ — дилни поклайди. Зардоли шохини хасса эмас, ҳамроҳ қилган Машраб куй ила кўнгилга оқиб киради. Узоқ-узоқларга тикиламан. Хаёлларим борлиқнинг биргина нуқтасидан мантиқ илғаш билан банд. Гўё мен хофиз, машшоқ ва фалакдан иборат бу олам...

Хоразмда ашулачилик санъатининг «Ҳалфа» усули мавжуд. Мудроқ юракни силкалаб уйғотгувчи усул. Бу йўлнинг машаққатига бардош берганлар оз. Қадим Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйи яна бир ёш истеъдодни кашф қилди. Ўшанда тун қўйнида жавдираб турган юлдузлар ҳам бир нафас тик қотган, қўшиқ шавқида маст эди гўё. Мана ўша ашула:

Қўнғироғи жарангдор карвон энди бизники,
Ўйнаб кулинг дўстларим, даврон энди бизники...

— Бу ашулани сўзини ўзим ёзганман, шаҳримга тўёна бўлсин деб. — Тортинибгина сўз бошлайди Ўзбекнаво гастрол бирлашмаси хонандаси Оғабек Собиров.

— Куйини ким басталаган?

— Бизда бастакор йўқ. Ҳамма қўшиқларимга ўзим куй басталайман.

— «Ҳалфа» усулига ишқингиз баланд шекилли?

— Асли, ашула тўқилмайди, яратилади. Яъни эл-улус учун, унинг маънавий чанқоғини босиш учун. Ашула мухлис қалбига етиб бориб сингмаса, бу тингловчининг эмас, хонанданинг айби. Мухлислар даврасини ҳам ҳисобга олиш керак. «Ҳалфа» усулини танлаганим, унда ўйноқи бўлсада маъно бор. Кишини ҳаётга теран қаратгувчи жозиба бор. Бугунги ишқибознинг ҳам дарди жам...

Торнинг ўйноқи оҳанги астасекин ғижжак ноласига эшилиб бораверади. Сокин оққан сувнинг таги шиддаткор бўлади. Гўё юракни силсиласига солган тўлқинлар усти сокинлашгандек, нолага йўғрилади кўнгил: «Бу йўқликнинг сабаб бурхони йўқдир, бу шодликнинг бари ғамдан яралган...» — Кўкрак эшигини майин чертади Бедил. Хонанда шунчаки ижрочи эмас, ўтмишни замон билан боғловчи, қалбни ҳаётга ошно қилгувчи, тафаккурни заминдек тагли, фалакдек юксак қилгувчи — хонандадир. Тонгин шудрингни қулоғига сирға қилгувчи майсаларда машаққат бор. Қалб дарчасидан кўнгил кўзи оламни томоша қилади. Дунё чексиз, инсон барибир улуғ!..

Оғабек сабаб машҳур ҳофиз Комилжон оғани эсладим: хаёлимда бир оз чўзиқ ўйноқи «Гулиҳи» (хоразмча) оҳанги жонланди. Худди бутун вужудимда нуқтама-нуқта жўнбуш навоси — ширин титроқ. Хузурбахш садо. Оғабекда эса бир оз қисқа ўйноқи «Ҳалфа» оҳанги — вужуд енгиллашади, бўғинлар ҳаракатга келади. Само рақсига чорловчи, ақлни онгдан ўғирлагувчи ошиқона куй. Тўғри, Оғабек ҳали ёш, санъат пиллапоялари олдинда, унинг ҳаракатида изланиш устун, жузий камчиликлардан ҳали эмас. Лекин бургут полапонини чўққилар сари ундаганидек, Комилжон Отаниёзов даҳоси Оғабекни ҳам юксакликлар сари чорласа, не ажаб...

— Мустақиллик ўзлигимизни англатди. Қўшиқчилик санъатига миллий анъаналар кириб келаётгани, қадриятларимиз тикланаётгани, биз хонандаларга завқ бағишлайди. Шу ватанни бутун борлиғинг билан куйлагинг келади.

— Ўта бачаналик.

Ўша пайт ишхонам эшиги қия очилди. Хушбичимгина бир қиз секин мўралади. Жилмайиб: «Мен сизни танийман. Сиз Оғабексиз-а?! Ашулаларингизни жуда яхши кўраман. Кассетангиз бор. Айниқса, «Даҳр бир гулшан эрур...» қўшиғингизни суйиб тинглайман. Янги кассетангиздан берасиз-а?» — илтижоли боқди... Хона деворининг қайсидир бурчини ларзага солиб, бир куй янгради. Аккардионнинг тиниқ ва ўйноқи хазин овози, доиранинг хаёлни сукунат тубига отгувчи гумбури фикрни жамлади: «Даҳр бир гулшан эрур, бўйи бақоси йўқ они...» Оппоқ либосга бурканиб Оғаҳий гўё ҳофизга жўр бўларди. Чилла жазирамасига кузнинг исёни каби осмонни босган қора булуту шошила савалаётган ёмғир ҳам бир нафас тин олди. Кўнгилга шеър бўйлади: «Шаъм ила ёритмаким кулбаи вайронани, бўйидан маст улдики субҳи шафақни онгламас...»

— Эшитишимга қараганда, ўғилли бўлибсиз?

— Насиб этса, ўғлим яқинда бир ёшга тўлади. Яхши ният ила исмини Ислом қўйганмиз. Отамизнинг исми эса Карим оға.

— Сиз кўпроқ гастролларда юрасиз. Атрофингизда қизлар... — Қитиқ патига тегаман, — рафиқангиз рашқ қилмайдими?

— Рафиқам Хоразм Тиббиёт институтини тугатган. Қўшиқларим шайдоси. Санъатим орқали танишганмиз. Тушунади. Доимо элга манзур бўладиган қўшиқлар айтишимни, халққа танилишимни истайди. Бунисидан кўнглим тўқ.

— Қизлар «ҳазиллашган» пайтлари ҳам бўлганми?

— Тўғриси, бир гал катта даврада ашула қилаётгандик, бир қиз гул олиб келди. Узата туриб, қўлимдан тутиб, ўзига тортди. Юзимни олиб қочдим.

— Буни қандай изоҳлайсиз?

**— Истеъдодли ёшлар ҳаётимизнинг ҳар соҳасида ўзлигини намоён этиши, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиши, ҳаётдан ўз ўрнини топиши, ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан завқ олиши, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини ардоқлаши, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини ардоқлаши, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини ардоқла